


АБДУРАХИМ ЭРКАЕВ

СОБИТКАДАМ КАРВОН



АБДУРАҲИМ ЭРКАЕВ

СОБИТҚАДАМ КАРВОН

ТОШКЕНТ «МАҲНАВИЯТ» 2010

Миллий мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрамини нишонлашга ҳозирлик кўраётган ҳалқимиз истиқолони қўлга киритишимиз, ўтган давр мобайнида эришган барча тарихий муваффақиятларимизни бевосита Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов номи ва фаолияти билан боғлади. Юртбошимиз томонидан республикамизнинг тенглар ичра тенг, дунё ҳамжамияти эътибори ва эътирофига сазовор давлат сифатида шаклланиши, оёққа туриши ҳамда бардавом ривожланиши йўлида олиб борилган саъй-ҳаракатлар, дарҳақиқат, бугун кўплаб мамлакатларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўлингиздаги рисола ҳалқимиз ҳаётини фаровонлаштиришда, унинг дунёқарашини тубдан ўзгартиришда муҳим аҳамият касб этган ислоҳотлар йўлидаги илк қадамлар, мамлакат ва миллатни бир тану бир жон бўлиб, ўз келажагини ўз қўли билан яратувчи, эртанги қунга умид ва ишонч билан боқувчи ҳалқقا айлантирган миллий гоянинг мақсад-моҳияти, юртимиз саноати, қишлоқ ҳўжалиги, ижтимоий-маданий турмушининг тури соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқлар ортида турган бунёдкорлик ишлари тўғрисида қизиқарли ҳикоя қилади.

Э 4702620204-12
M25(04)-10

ISBN 978-9943-04-123-3

© «Маънавият», 2010

Бу дунёда бир-бирига ўхшаш икки ҳалқ ёхуд икки мамлакатни топиб бўлмайди. Ҳатто бир ҳалқ тақдир тақозоси билан икки мамлакатда яшаб қолса, шу мамлакатлар-да ўзаро фарқ қиласди. Мисол тариқасида Жанубий Корея ва КХДРни ёки бир-бирини ҳанузгача тўлиқ тушуна олмаётган болқон ҳалқларини эслаш мумкин. Чунки ҳар бир мамлакат ўзининг имкониятларини, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятини чамалаб ўз тараққиёт йўлини, ички ва ташқи сиёсатини танлайди, жорий ва истиқболли дастурлар тузади. Баъзи давлатлар келажак йўлини аниқ белгилаб олади, ўзига мос тараққиёт моделини яратади, айримлари эса гўё аввалдан тайёр «самарали» усулларни, ўзга давлатлар тажрибасини, маслаҳатини қўллашга шошади. Бундай ҳолларда, уларнинг қандайдир уринишлари вақтинча ижобий натижа берса, бошқалари самарасиз кетади, ҳатто баъзи уринишлари тескари натижага олиб келиши, жамиятни бўлиб юбориши, миллый бойликлар талон-тарож қилиниб, охир-оқибатда мамлакат ва миллат иқтисодий ҳамда сиёсий инқирозга дуч келиши мумкин.

Шукрки, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида шўро бўйинтуруғидан қутулган она Ўзбекистонимиз мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ўз тақдир йўлини – тараққиёт моделини аниқ белгилаб олди. Мана шу сабаб ёш мамлакатимиз 19 йил давомида бирор марта иқтисодий ёки сиёсий инқирозга учрамади, ҳалқимиз ички ва ташқи таҳдидларни, қийинчиликларни ҳамжиҳатлик билан енгиб

үтди, бирорларнинг «нажот қўллари»га термулишга кунимиз қолгани йўқ. Юртимиз бугунги кунда ислоҳотларни босқичма-босқич, сабитқадамлик билан, объектив шарт-шароитларни, ўз иқтисодий имкониятларини, жаҳон сиёсати, бозори талабларини, халқ онги, тафаккуридаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, муваффақиятли амалга ошираётган, барқарор ривожланиш йўлига тушиб олган мамлакатлар қаторига киради. Буни 2008 йилнинг иккинчи ярмида жаҳонда бошланган ва ҳозир ҳам давом этаётган молиявий-иктисодий инқироз яққол кўрсатди.

Жаҳон инқирози, албатта, Ўзбекистонга ҳам таъсир қилмай қолмади, чунки қун сайнин ривожланаётган мамлакатимиз иқтисодиёти ташқи бозор билан мустаҳкам боғланган: маҳсулотларимиз дунёнинг 139 мамлакатига экспорт қилинади, ўз навбатида биз ҳам кўплаб мамлакатлардан зарур маҳсулотлар ва технологияларни харид қиласиз. Аммо Ўзбекистонда ички бозорнинг барқарорлиги, ишончли молия-кредит тизими яратилгани, вақтида инқирозга қарши аниқ чора-тадбирлар дастури тузилиб, амалиётга жорий қилингани, маҳсулотларни сотиш учун янги бозорлар излаб топилаётгани мамлакат ҳаётига инқироз таъсиrlарини сезиларли юмшатди. Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури ва 2008 йил якунларига бағишлиланган Вазирлар Маҳқамаси йифилишидаги Президентимиз Ислом Каримовнинг кўрсатмаларидан келиб чиқиб, экспорт учун Осиё, Жанубий Америка ва бошқа минтақаларда янги бозорлар изланди. Натижада, 2010 йилнинг биринчи ярмида 26 та янги мамлакатга товарлар ва хизматлар экспорт қилинди, экспорт ҳажми 14,3 фоизга ўсди.

Ўзбекистоннинг бу ва бошқа тажрибалари бугун жаҳонда катта қизиқиши уйғотмоқда. Тошкентда маз-

кур масалаларга бағишланган қатор халқаро анжу-манлар бўлиб ўтди. Ана шулардан бирининг қатнашчиси, украиналик журналист Димитрий Дроботун «День» номли кундалик бутунукраина газетасида Ўзбекистонни «Осиё йўлбарси» эмас, балки «Осиё арслони» деб атайди. Қолаверса, Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) нинг 43-йиллик мажлиси 1 – 4 май кунлари айнан Тошкентда ўтказилиши ҳам мутлақо та-содиф эмас.

Ўзбекистонда макроиктисодий мувозанат ва барқарор иқтисодий юксалиш таъминланмоқда. 2009 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1, 2010 йилнинг I ярмида 8,0 фоизни ташкил этди. Ўтган йилда миллий иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестицияларнинг умумий ҳажми қарийб 26 фоизга, жумладан, хорижий инвестициялар 68 фоизга кўпайди. 2010 йилнинг биринчи ярмида ўзлаштирилган инвестиациялар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,3 марта ошгани, турмуш фаровонлигининг ўсиши туфайли аҳоли омонатларининг 41,8 фоизга кўпайгани ҳам юқорида таъкидланган барқарор юксалишнинг аниқ далиллариdir.

Ўзбекистон жаҳон майдонида энг ишончли ҳамкорлардан ҳисобланади. Шу сабабдан хорижий инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2010 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилга нисбатан 1,3 марта кўп тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ўзлаштирилди.

Инқизозга қарши чоралар дастури доирасида банк тизимини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилган ишлар кейинги икки йилда республикализ тижорат банкларининг жами капиталини 2 баравар кўпайтириш имконини берди. Ушбу банкларда капиталнинг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошади. Бу Базель қўмитаси томонидан белгиланган

халқаро стандартлардан қарийб уч баравар кўпдир. Айни вақтда мамлакатимиз банк тизимининг жорий умумий ликвидлиги ташқи тўловлар бўйича банкларнинг жорий мажбуриятларидан 10 баравар ортиқ.

ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлиси доирасида имзоланган янги кредит битимларида Ўзбекистоннинг муҳим тармоқларида амалга ошириладиган, умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ, лойиҳаларни молиялаштириш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон эришган муваффақиятлар асосида, биринчидан, Юртбошимиз раҳбарлигида давлатнинг жорий ва истиқболли, тактик ва стратегик сиёсати оқилона олиб борилаётгани, мамлакатимиз, халқимиз имкониятларига, салоҳиятига мос «ўзбек модели»нинг яратилгани ётиби.

Иккинчидан, одамларнинг ўз Президентига, давлатига, эртанги кунига ҳамда ўзига ишончи улкан аҳамият касб этяпти. Халқимиз тинч-осойишта, хотиржам меҳнат қилмоқда. Орзу-ҳавасларини амалга ошириш йўлида кимдир фарзанд тарбияси, ўқиши билан машғул, бошқа бирор тўй ташвишлари билан юрибди, яна кимдир ихлос билан уй-жой қурялти. Агар одамларда эртанги кунга мана шу ишонч бўлмаганида, уларнинг ўзаро муносабатларида худбинлик, ғараз унсурлари ва асабийлик кўпроқ, самимийлик, меҳр-оқибат кам бўларди, ижтимоий муҳит бузилиб, эртанги кун хавотири, молпарастлик, баҳиллик устунлик қиласади.

Бу улкан муваффақиятларни, келажаги буюк Ўзбекистоннинг сабитқадамлик билан илгари боришини таъминлаётган тарихий ислоҳотлар дастлаб

Юртимизда амалга оширилаётган ҳар бир йирик лойиха ва дастур, барча соҳалардаги ислоҳотлар, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишнинг пировард натижаси инсонга қаратилган бўлиб, унинг манфаатларини қондиришга, имкониятларини юзага чиқаришга хизмат қиласиди. «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун» деган тамойилнинг, «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!» деган эзгу шиорнинг мазмун-моҳияти ҳам айнан шунда.

Инсонни восита эмас, мақсад деб билиш, бунинг учун жамиятдаги барча тадбирларни, амалга ошириладиган ишларни инсон манфаатига хизмат қилдириш сиёсати аслида Ислом Каримов Қашқадарё вилоятида раҳбар бўлиб ишлаган йилларда воҳамизда бошланган эди. Ишлаб чиқаришни бошқаришда маъмурий-буйруқбозлиқдан иқтисодий усулларга ўтиш ҳам ўшанда синааб кўрилганди. Буни қуийдаги аниқ мисоллар орқали кўриш мумкин.

Биринчидан, вилоятнинг янги раҳбари асосий эътиборни инсон қадр-қимматини жойига қўйиш, одамларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратган эди. Ўша йиллар «пахта иши» бўйича «қамакамалар» авжга чиққан, одамлар чорасизликдан, марказ зўравонлигидан қўрқиб саросимага тушиб қолганди. Мана шундай оғир, шўро раҳбарияти ҳар бир ҳаракатни қаттиқ, назорат қилиб турган шароитда қанчалаб ноҳақ жабр кўрган одамлар, оиласалар ҳимоя қилинди, адолат ва ҳақиқатни, халқ ва миллат гурурини тиклаш учун дадил кураш олиб борилди.

Иккинчидан, меҳнат жамоаларида «қайта қуриш» сиёсати туфайли тарангллашиб кетган маънавий муҳит яхшиланди, бошбошдоқлик даражасига келиб қолган ишлаб чиқариш интизоми мустаҳкамланди. Саноат корхоналари ва хўжаликларда ишловчи меҳ-

наткаш инсонга зарур шароитлар яратиш ижтимоий мұхым вазифа сиғатида кун тартибига қўйилди. Дала шиййонлари, фермаларда уй-рўзғорға керакли кун-далик моллар билан савдо қилувчи дўконлар, газета ва журналлар, янги китоблар қўйилган дам олиш хоналари, йирик саноат корхоналарида маърифат хоналарига қўшимча «руҳий тетиклаштириш» хоналари ташкил этилди. Мавсум пайти дала бошига концерт бригадалари, кинофильмлар, маърузачилар, шоирлар ва ёзувчилар юборилди.

Учинчидан, деҳқонларга, механизаторларга ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, ўғит ва бошқа зарур нарсалар далага етказиб бериладиган бўлди. Таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишлари ҳам даланинг бошида ташкил этилди. Бутун – бозор иқтисодиёти шароитида фермерларга шундай хизмат кўрсатувчи тузилмалар пайдо бўлгандан кейин, бу табиийдек туюлади. Ўша пайтларда эса бу мутлақо кутилмаган янгилик эди. Айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни ташкил этишининг айрим шакллари ва тамойиллари Қашқадарёда синовдан ўтказилганди.

Тўртинчидан, сарф-харажатларни чек усулида назорат қилиш, деҳқоннинг ўз меҳнати пировард натижаларидан манфаатдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришга пудратнинг ва ижаранинг турли шаклларини, ички хўжалик шартномаларини жорий қилиш, қишлоқ хўжалигини иқтисодий усуллар ёрдамида бошқаришга ўтиш Қашқадарёда бошланган илк тажриба эди. Бу тажриба истиқлол йиллари бозор иқтисодиёти тамойиллари ва талаблари билан бойитилиб бутун мамлакат миқёсида қўлланилди, давлатимиз аграр сиёсатининг мустаҳкам асосларидан бирига айланди.

Бешинчидан, ташкилотчилик-бошқарув ишлари-

нинг янги усулларини муваффақиятли жорий қилиш учун одамлар онгини, меҳнатга, ҳаётта муносабатини ҳам ўзгартириш керак эди. Шу сабабдан бутун вилоятда, барча корхона, ташкилотларда жорий қилинган иқтисодий ўқувлар қизғин баҳс-мунозараларга бой, амалий ва оммавий тус олди. Ишчи ва хизматчининг, деҳқон ва чорвадорнинг иқтисодий тафаккури, ҳаётта қараши ўзгара бошлади. Одамларда эски хўжалик юритиш усулларига нисбатан танқидий фикрлар, бозор иқтисодиёти унсурларига қизиқиш шакллана бошланди, социалистик иқтисодий тафаккурга дарз кетди.

Тажрибали ишчилар, деҳқонлар, мутахассислар билан маслаҳатлашилди, давра суҳбатлари ўтказилди, оқибатда вилоят ва туманлар миқёсида турли маслаҳат кенгашлари тузилди. Айниқса, вилоят деҳқонлар кенгашининг фаолияти жуда самарали бўлди. Кенгаш тавсияси билан деҳқонларга экиш муддатларини, айрим агротехник тадбирларни белгилашда мустақиллик берилди, айни пайтда янги агротехника тадбирларини қандай қўллаш ва илм-фан ютуқларидан фойдаланиш бўйича плакатлар ҳамда икки-уч варакли аниқ маслаҳатлар чоп этиб тарқатилди.

Олтинчидан, вилоятда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник-технологик қайта жиҳозлаш бошланди. Қарши ёғ-экстракция заводи, уй-жой қуриш комбинати, Қарши тикувчилик бирлашмаси, Шаҳрисабз ипак-йигириув фабрикаси, Қарши нон комбинати қайта жиҳозланди. Енгил саноат корхоналарига Япониядан, ҳар бир тумандаги иссиқ нон чиқарадиган корхоналарга эса Италиядан ускуналар келтирилди. «Термопласт» заводи, Шаҳрисабз дон маҳсулотлари комбинати, чанқоқни қондирувчи ичимликлар ишлаб чиқарувчи заводлар қурилди. Раҳ-

барлар ва мутахассислар олдига шундай талаб қўйилдики, ҳар бир янги қурилаётган корхона ёки цех энг замонавий ускуналар ва техника билан жиҳозлансин. «Бизга 5 йил илгари яратилган технология керак эмас. Чунки ҳар қандай технология 5–6 йилда эскириб қоляпти. Кечаги технологияни ишлатсак, қолоқ бўлиб қолаверамиз», – уқтирасада эди вилоят раҳбари.

1987–1989 йилларда вилоятда 24 та ишлаб чиқариш корхонаси модернизация қилинди. Ўша йиллар атамаси ишлатилса, 20 дан ортиқ комплекс механизациялашган линиялар ўрнатилди. Ишлаб чиқариш корхоналарини техник қайта жиҳозлаш мақсадида 100 дан ортиқ ускуналар келтирилди, 45 та янги замонавий технологиялар ўзлаштирилиб, вилоят учун янги 200 га яқин маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Еттингчидан, аҳолининг турмуш фаровонлиги ва маданиятини кўтариш, муҳтож қатламларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш сиёсатининг кўпгина жиҳатлари айни шу вилоятда илк бор қўлманилди.

Сугориладиган 23 минг гектар ер одамларга томорқа сифатида бўлиб берилиши кўплаб оиласларни барқарор даромад манбай билан таъминлаган ва ижтимоий муаммолар кескинлашувининг олдини олган эди. Шаҳарлар ва туман марказларининг бош режалари ишлаб чиқилиб тасдиқлангани, унда ижтимоий-маданий иншоотлар қурилишига, аҳолини тоза ичимлик суви ва газ билан таъминлаш, йўллар, бозорлар, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантиришга алоҳида устуворлик берилгани мамлакатимизда олиб борилаётган бугунги ҳалқпарвар, инсонпарвар сиёсатнинг дебочаси эди, десак адодатли бўлади.

Ўша йиллари айрим ҳолларда бир ҳовлида 3–4

оила яшайдиган биргина Шахрисабз шаҳрида 7826 та эҳтиёжманд оиласа ер участкаси берилди. Бунинг учун атрофдаги хўжаликлардан 730 гектар ер шаҳарга ўтказилди. Шаҳар кенгайди, янги маҳаллалар пайдо бўлди. Қарши шаҳрида «Пахтазор» ва З-миттитуманларда қурилишлар ниҳоясига етказилди, 7-миттитуман қад ростлади. Якка тартибда уй-жой қуриш учун участка ажратиш бирданига уч баравар ошди. 1987 – 1989 йилларда вилоятда жами турли манбалар ҳисобига 2 млн кв. метр уй-жой қурилди.

Қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, фаровонлигини кўтариш ҳам бир зум эсдан чиқарилмади. Вилоят раҳбарининг ташабуси билан Фани Бобоёров хўжалигида пишиқ, фиштдан барча қулайликларга эга коттеж типидаги 50 та уй-жой қурилди, айни ҳудудда вилоят семинари ўтказилди. Унинг самараси ўлароқ, кейин қўпгина туманларда, жумладан, магистрал йўл бўйларида бир ва икки қаватли коттежлар қурилди. Шахрисабз туманидаги Шакартери ҚФЙ Сойбўйи қишлоғининг ўзидағина 18 та бир қаватли ҳамда 4 та икки қаватли тураржой бинолари қад ростлади. Қарши тумани Таллиқўрон қишлоғида эса 16 та икки қаватли, 37 та бир қаватли уй-жойлар индустрисал усулда (йирик панелли ёки яхлит қўйма-монолит) қурилди. Икки қаватли уйлар икки оиласа мўлжалланган эди. Бундай мисолларни ҳар бир туман бўйича кўплаб келтириш мумкин. Қишлоқлар қиёфаси ва уй-жойлари сифатига қанчалик жиiddий эътибор қаратилганини 140 та хўжаликнинг барчаси штатига архитектор лавозими киритилиб, уларнинг фаолияти тўғрисида Низом ишлаб чиқилганидан ҳамда вилоят архитекторлари Украина ва Болтиқбўйи республикаларига қишлоқ қурилиши тажрибасини ўрганишга жўнатилганидан ҳам билса бўлади.

Кўринадики, бугун мамлакатимизда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган шаҳардагидек барча қулийликларга эга қишлоқ уй-жойлари ғояси ҳам синовдан илк бор Қашқадарёда ўтказилган эди.

Ободонлаштириш ва кўкаlamзорлаштириш янги поғонага кўтарили. Шунга қадар туман марказлари қиёфаси кўримсиз, марказий кўчасидан ташқари кўпчилик кўчалари плансиз, баъзилари эгри-бугри, ҳар хил кўринишда, асосан пастқам, хом фиштдан қурилган уй-жойлардан иборат эди. Ижтимоий инфратузилмаси яхши ривожланмаган, савдо, умумий овқатланиш, майший хизмат кўрсатиш корхоналари аҳоли сонига мос келмас, борларининг ҳам аксарияти турли майда дўкон кўринишида эди. Туман марказларида фақат биттадан типовой бинода жойлашган универмаг ва майший хизмат уйи бўлар, улар ҳам ё маҳсулотсиз, ёхуд хизматсиз ҳувиллаб ётарди.

Вилоят раҳбарининг шахсан ташаббуси билан шаҳар, туман марказлари ва қишлоқлар қиёфасини замонавийлаштириш, одамларга қулийлик яратишга жадал киришилди. Энг аввало, барча шаҳарлар ва туман марказларининг бош режалари ишлаб чиқилди. Бош режаларда, юқорида таъкидланганидек, ижтимоий-маданий, савдо ва хизмат кўрсатиш обьектлари қурилишига, уларнинг оқилона жойлаштирилишига, теварак атрофи кўкаlam ва обод бўлишига жиiddий эътибор қаратилди. Республика собиқ Госпланининг мутасаддилари таклиф қилиниб, вилоятдаги ижтимоий инфратузилма ахволи билан таништирилди ва улардан амалий ёрдам талаб қилинди.

1987 – 1989 йилларда 75 минг ўринли мактаб, 13 минг ўринли мактабгача таълим муассасалари, 3 минг ўринли техникум ва қасб-хунар билим юртлари фойдаланишга топширилди. Ўша йиллари вилоятда 44 та

янги даволаш-профилактика муассасалари қурилган, чет элдан энг замонавий тиббий ускуналар, жумладан, республикада биринчи бўлиб компьютерли томограф келтирилганди. Шифохоналарда койка ўрни 1500 тага, поликлиникаларда смена қатнови 6000 тага ортди. Бу рақамлар ортида халқ учун улкан ғамхўрлик, инсонпарварлик ҳис-туйгулари турибди.

Шахрисабз, Китоб, Яккабоғ, Фузор, Қарши (иккита), Косон бозорлари, Шахрисабзнинг марказий кўчаси қайта реконструкция қилинди. Ҳар бир туманда кўплаб ҳунармандчилик устахоналари, чойхоналар, қаҳважоналар, савдо дўконлари, болалар кафелари, музқаймоқ ва салқин ичимликлар сотиш шохобчалари бунёд этилди. Вилоят марказида Кўғирчоқ театри, «Мулоқот» ва «Эски масжид» театр-студиялари ташкил этилди. Ободонлаштириш ишларида кўп қаватли уйлар ҳовлисида болалар ва спорт майдончаларини тартибга келтириш, маҳаллаларда спорт майдончалари қуришга эътибор кучайтирилди.

Масалан, Қаршидек катта шаҳарда бирорта ҳам сув иншооти йўқ эди. Ислом Каримовнинг шахсан ташаббуси билан шаҳар стадионида сузиш бассейни қурилди. Бундан ташқари, иккита спорт зали, иккита бассейн, бир неча тренажёр заллари ва даволаш-профилактика хоналари бўлган янги йирик спорт-соғломлаштириш комплекси бунёд этилди. Болалар спортига, ёш авлоднинг соғлом ўсишига катта куч-файрат ва маблағ йўналтирилди. Юзлаб спорт майдончалари, иншоотлари, спорт заллари, тенис кортлари барпо этилди. «Бизнинг болаларимиз ҳеч кимдан кам бўлмаслиги керак. Ҳарбий хизматда бирорвлардан дакки еб юрмасин. Уларни соғлом ва бақувват этиб тарбиялашимиз шарт», – деган сўзларни тез-тез тақрорларди Ислом Каримов.

Мустақилликка эришилгач, Ўзбекистон ўз дара-жасига, салоҳиятига, хусусиятларига мос тараққиёт йўлини танлади. Юртбошимиз Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг 5 та тамойилини ишлаб чиқди-ки, улар «ўзбек модели» деган номда бутун дунёда тан олинган тараққиёт моделига асос бўлди. Ўзбек моделининг олий пировард мақсадини, ҳалқимизнинг тарихий орзу-ниятларини Президентимиз томонидан таърифланган миллий фоя қисқа ва мужассам ифодалайди – «Озод ва обод Ватанда, эркин ва фаровон яшаш» (Бошқача ифодаси – «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат»).

Мамлакатда амалга оширилган ислоҳотлар ана шу буюк орзу-истакка эришишга, яъни мустақилликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, иқтисодиётни ривожлантириб, Ўзбекистонни тараққий этган мамлакатлар даражасига кўтариш («озод ва обод Ватан»), инсон эркинликлари ва ҳуқуқларини тўла таъминлаб, юксак турмуш даражасига эришиш («эркин ва фаровон яшаш»)га қаратилган. Миллий фоянинг бундай шаклда ифодаланишида биз жамият ва шахс манфаатлари уйғунлигини кўрамиз. Ҳалқни, жамиятимизни олий мақсад йўлида бирлаштиришда бу фоя улкан аҳамият касб этди.

Тараққиётнинг ўзбек модели ва миллий фоямизни шакллантириш, уларнинг асосий тамойиллари ва тушунчаларини белгилаш Президент Ислом Каримов ижоди ва амалий арбоблик, раҳбарлик фаолиятининг энг ёрқин чўққиларидан биридир. Зеро, тараққиётнинг ўзбек модели тор маънодаги иқтисодий ривожланиш йўли эмас. У ўзида, шунингдек, давлат ва жамият қурилишини, маънавий-маданий меросни тиклаб ривожлантиришни, янги инсонни – барқамол авлодни тарбиялашни, одамларнинг онги, тафаккурини ўстиришни, инсон ҳуқуқлари ва эр-

кинликларини таъминлашни, демократлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашни, умуман, жамият ҳаётини тубдан янгилашнинг барча масалаларини қамраб олади.

Мазкур масалаларни ҳал қилиш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ икки буюк омилга – иқтисодиёт ва маънавиятга таянади. Иқтисодиёт барча ислоҳотларнинг моддий негизини, моддий ҳаракатлантирувчи кучини ташкил этса, маънавият унинг интеллектуал ва илмий негизини, руҳоний ҳаракатлантирувчи кучини ифодалайди. Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ Юртбошимиз иқтисодиёт ва маънавиятга баб-баравар эътибор қаратиш лозимлигини уқтириди. Чунки ҳар қандай пухта ўйланган дастурлар ҳам аҳоли онгига етиб бормаса, унинг ишончига ва амалий интилишига айланмаса, кутилган самарани бермайди. Шу сабабдан Юртбошимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида иқтисодиёт ва маънавиятни парвоздаги қушнинг икки қанотига ўхшатади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек модели тараққиётнинг эволюцион, яъни тадрижий йўлига таянади. У «фалаж терапияси» деб аталган усулларнинг ҳар қандай шаклини бошданоқ инкор этган эди, бундан кейин ҳам «тез самара берадиган», суворийларча ҳамла билан муаммоларни ҳал қилиш усуларини маъқулламайди.

ХАЛҚПАРВАР СИЁСАТ ВА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ – МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

Табиийки, ҳеч қандай орзу-истак, айниқса, миллатнинг олий мақсадлари ўз-ўзидан рӯёбга чиқиб қолмайди.

Бунга эришиш учун аввал жамиятни тубдан ислоҳ қилиш зарур. Ислом Каримов раҳбарлигидага халқи-

миз ҳамжиҳатлик билан мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ислоҳотларга енг шимариб киришди. Ўша йиллар сабиқ шўро республикаларининг деярли ярмида турли шакллардаги келишмовчиликлар, можаролар авж олди. Қўшни Тожикистанда, Грузияда, Молдова, Шимолий Кавказда фуқаролар уруши, Озарбайжон ва Арманистон ўртасида Тоғли Қорабоғ учун уруш юзага келди. Шарқий ва Фарбий Украина ўртасида турли зиддиятлар, баҳслар бу мамлакат яхлитлигига реал хавф солди. Ўзбекистон эса Ислом Каримов раҳбарлигида жамият жипслигини, тинч-тотувлигини сақлаб қолди, бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлди, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётни тубдан янгилай бошлади. Чунки ижтимоий адолат бузилишига йўл қўйилмади. Халқ билан барча масалаларда, айниқса, қийинчиликлар тўғрисида очик-ойдин гаплашилди. Президент Ислом Каримовнинг «Халқ қийинчиликларга чидайди, аммо адолатсизликка чидай олмайди», деган сўзлари барча бўғин раҳбарлари учун дастурий тамойилга айланди.

Шу ўринда янги жамият қуриш борасидаги асосий ислоҳотларни, қисқача бўлса-да, эслаб-эслатиб ўтиш жоиздир.

Иқтисодиёт соҳасида:

1. Мамлакатимизда мулкчиликнинг турли шакллари, жумладан, хусусий мулк вужудга келди, уларнинг teng ҳуқуқлигини давлат кафолатлади ва амалда таъминлади, айни пайтда устуворлик хусусий мулк ривожланишига берилди. Бугун мамлакатимизда давлат мулки, АЖ, МЧЖ, хусусий корхоналар, қўшма корхоналар, кичик бизнес корхоналари, аралаш мулк корхоналари, фермер ҳўжаликлари ва бошқа турли-туман мулкчилик шакллари эмин-эркин фаолият кўрсатмоқда.

2. Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар бошланди. Агар мустақилликдан аввал республикамиз иқтисодиёти кўпроқ арzon хом ашё етказиб беришга мўлжалланган бўлса, истиқдол йиллари янги саноат тармоқлари, қўшимча қиймат ҳосил қиласидиган тайёр маҳсулотлар чиқарадиган замонавий завод ва фабрикалар сони кескин кўпайди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган турли русумдаги енгил автомобиллар, автобусларни кўплаб мамлакатлар харид қилмоқда. Маиший электроника, рангли телевизорлар, мебель ва уй-рўзфор буюмлари, енгил саноат, кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган, янги хизмат турлари кўрсатадиган корхоналар вужудга келди. Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти бир неча баробар ортди, экспорт структураси тубдан ўзгарди.

Республикада Асака ва Самарқанд автомобилсолзлик заводи, «Шўртангазкимё» мажмуаси, Кўнғирот сода заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Таллимаржон ИЭС, ҳар бир вилоятда бир нечтадан енгил саноати, озиқ-овқат саноати корхоналари, юзлаб, минглаб турли йўналишдаги кичик корхоналар, ўнлаб қўшма корхоналар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида, масалан, Қашқадарё вилоятида четга сотилаётган маҳсулотлар улушида пахта хом ашёси етакчи ўрин эгаллаган бўлса (85 фоиз), 2009 йилга келиб унинг улуши 8 фоизни ташкил этмоқда. Агар илгари Шўртган газ конларида қазиб олинаётган табиий газнинг таркибидаги этан ажратиб олинмасдан, метан билан қўшиб ёқилғи сифатида ишлатилган бўлса, эндиликда Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган ~~Шўртангазкимё~~ мажмуасида этан ажратилиб, ундан турли марқадаги полиэтилен ишлаб чиқилмоқ-

да. Полиэтилендан эса республикамиз корхоналари қувур ва мебелдан тортиб, уй-рўзғор буюмларию ҳар хил безаклар, идишлар, саноат учун керакли юзлаб маҳсулотлар ишлаб чиқаряпти, улар мамлакат ички ва ташқи бозорида сотиляпти. Полиэтиленнинг ўзи ҳам экспорт қилингапти. Бошқача айтганда, полиэтилен республикамиз учун анча танқис ҳисобланадиган металл ва ёғоч (тахта), пластмасса ва резина-техник материаллари ўринини кўп ҳолларда босмоқда.

Юқоридагиларга қўшимча қўплаб янги темир йўллар, автомобиль йўллари, коммуникация ва алоқа, электр линиялари, газ қувурлари, умуман, иқтисодиётнинг базавий соҳаларига тегишили янги корхоналар курилди. Ислоҳотларни ўтказишда узоқни кўзлаб иш тутилгани сабабли, иқтисодиётнинг айни ўша базавий соҳалари – ёқилғи-энергетика, транспорт ва коммуникация, алоқа ва бошқа соҳаларга йирик ҳажмларда инвестициялар жалб қилинди.

3 (Иқтисодиётнинг аҳоли турмуш даражасига ва мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга таъсир кўрсатадиган тармоқлари қаторида қишлоқ хўжалигига ҳам устуворлик берилди.) Биз фалла мустақиллигига, озиқ-овқат хавфсизлигига, мамлакат вилоятларининг ички алоқасида транспорт-коммуникация мустақиллигига эрищдик.) Маълумки, транспорт ва йўл масаласи ўта жиҳдий муаммо эди. Баъзи вилоятларимизга бориш учун қўшни давлатларни кесиб ўтишимизга тўғри келарди. Мазкур ҳолатни бартараф этиш мақсадида 633 км узунликдаги Навоий – Нукус ва 223 кмлик Тошгузар – Бойсун – Қумкўрғон темир йўллари, Қамчиқ довони орқали Фаргона водийсига тезкор автомобиль йўли қуриганини мисол тариқасида келтириш мумкин.) Навоий вилоятида эркин индустрӣал-иқтисодий зонанинг,

Ангренда логистика (таъминот, товар ва хом ашё етказиб бериш) марказининг барпо этилгани ва ривожланаётгани ҳам, бир томондан, иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришларга, транспорт-коммуникация тизими ривожланишига мисол бўлса, иккинчи томондан — жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий интеграциялашувимиз кучаяётганига аниқ далил бўлади.

Қашқадарё воҳасида «Шўртангазкимё» мажмуаси, Таллимаржон ИЭС, Cotton Road, «Оқсаройтекс», «Яккабоғтекс», «Ҳумотекс» корхоналарининг қурилиши, ёқилғи-энергетика тизимида қилинган ва айни пайтда амалга оширилаётган ишлар кўлами, киритилаётган инвестициялар ҳажми кишини беихтиёр ҳайратта солади. Биргина 2009 йилда вилоят иқтисодиётига 2192,9 млрд сўмлик инвестициялар, жумладан, 819,4 млрд сўмлик чет эл инвестициялари жалб қилинди. Уларнинг 77 фоизи тўғридан-тўғри инвестициялардир. 2010 йилда 2543,7 млрд сўмлик инвестицияларни жалб қилиш кўзда тутилмоқда. Бу йил мустақиллик байрами арафасида вилоятда яна бир иирик корхона — Деҳқонобод калий ўғитлари заводи ишга туширилади.

Ислоҳотларни иммий асосда оқилона, устувор йўналишларни аниқ белгилаб, тармоқлар орасида номутаносибликка йўл қўймасдан амалга ошириш, аҳолининг муҳтоҷ қатламларини муҳофаза қилиш, Ўзбекистонда нафақат макроиқтисодий барқарорликни, шунингдек, ижтимоий-сиёсий барқарорликни ҳам таъминлаш имконини берди.

3. Ишлаб чиқаришни диверсификация ва модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги турдаги сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш, қатор маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлашти-

риш борасида ҳам иирик тадбирлар, лойиҳалар амалга оширилди. Бу ишлар, айниқса, кейинги йилларда сезиларли кучайди. Чунки мустақилликнинг дастлабки 10 йилида ўтиш даври учун ўта долзарб бўлган ташкилий қайта қуриш масалалари, бозор инфратузилмасини, ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини яратиш каби бирламчи вазифалар бажариб бўлинди. Ўзбекистон 2001 йилдан мустақил ривожланишининг иккинчи босқичи – «фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври»га қадам қўйди.

Бу йўлда фақат Қашқадарё вилоятининг ўзида-гина 2009 йилда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга 80 млрд сўм, маҳаллийлаштириш дастури тадбирларига 13,3 млрд сўм сарфланди, 2010 йилда бу тадбирларга тегишлича 12 ва 19,7 млрд сўм сарфланиши кўзда тутилган. Мазкур дастурлар муваффақиятли бажарилаётганини белгиланган вазифалар йилнинг биринчи ярмида 110 фоизга уddaлангани яққол кўрсатади.

4. Ўзбекистон иқтисодиётида кўп тармоқли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизими вужудга келди. Бу соҳа бизда иқтисодий сиёsatнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ички бозорни зарур маҳсулотлар ва хизмат турлари билан тўлдиришнинг самарали, бозор талабларига жуда тез мослашувчан шакли ҳисобланади. Бундан ташқари, у аҳолини иш билан таъминлаш, бандлик муаммоларини ҳал қилишнинг етакчи воситасидир. Қолаверса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиради, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда улкан салоҳиятга эга.

Маълумки, ўрта синф ва аҳоли турмуш фаровонлиги жамият ижтимоий-иктисодий ва сиёсий барқарорлигининг асосий таянчи ва негизидир. Бугун Қашқадарё вилоятида 76 мингга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарали фолият юритмоқда. Улар 2009 йилда жами 979 млрд 405 млн сўмлик маҳсулот етиштириди ва хизмат кўрсатди. 2010 йилнинг олти ойида бу кўрсаткич 545 млрд 908 млн сўмни ташкил этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вилоят ялпи худудий маҳсулотдаги улуши 52 фоизга етди.

5. Республикаизда қишлоқ хўжалиги тубдан қайта қурилди. Илгари ишлаб чиқариш самарадорлиги паст, харажатлари баланд, норентабел, сурункали қарзга ботиб ётадиган колхоз ва совхозлар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Бугун фақат Қашқадарё вилоятининг ўзида 8599 та қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларига ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда (республикада – 80628 та). Уларнинг 6452 таси пахта ва ғалла етиштиришга, 1550 таси боғдорчилик ва сабзавотчиликка, 86 таси бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган. Кейинги йилларда асаларичилик ва балиқчиликка ихтисослашган фермерлар сони қўпаймоқда.

Фермер хўжаликларининг вужудга келиши қишлоқ қиёфасини ҳам ўзгартира бошлади. Чунки уларга хизмат кўрсатадиган инфратузилма пайдо бўлди: минибанклар, ёнилги-мойлаш материаллари, ўғит, кимёвий препаратлар сотувчи шоҳобчалар, зооветеринария хизмати кўрсатувчи тузилмалар, савдо-тайёрлов корхоналари, қайта ишлаш корхоналари ҳамда ҳар хил ижтимоий-маданий объектлар қурилди. Ислоҳотлар қишлоқ аҳолисининг онги, тафаккурини ижобий томонга ўзгартирди. Деҳқонда ерга эгалик

ҳисси қайта тикланди. Унинг меҳнатга, ерга, ўзига муносабати, хўжаликни юритиш усуллари тубдан ян-гиланди.

Қишлоқда бозор инфратузилмаси ва қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш корхоналари, хусусий тадбиркорлик пайдо бўлиши аҳолининг касбий тайёргарлигига ва хилма-хил касбларни, янги билимлар ва меҳнат кўнкималарини ўзлаштиришига катта таъсир кўрсатди. Ҳозирги қишлоқ аҳолиси бундан 10 – 15 йил бурунги қишлоқ аҳолисидан ўзининг онг дараҷаси, маданий савияси, психологияси, касбий билимлари хилма-хиллиги, ҳаётга муносабати билан яхши маънода сезиларли фарқ қиласди.

6. Юртимиизда иқтисодиёт тизимида чуқур институционал ўзгаришлар муваффақиятли амалга оширилди. Марказлашган режали иқтисодиёт билан боғлиқ баъзи бир вазирликлар, маҳкамалар тутатилди, бошқалари тубдан ислоҳ этилди. Бозор иқтисодиёти талаблари ва эҳтиёжларига мос янги институтлар – тижорат банклари, молия-кредит тузилмалари, биржалар, сугурта ва инвестиция компаниялари, консалтинг фирмалари, савдо ва товар ишлаб чиқарувчиilar палаталари ва бозор иқтисодиётининг бошқа инфратузилмалари шаклланди. Улар бутун республикамиз иқтисодиётининг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда.

Давлат ва жамият қурилишига:

1. Мамлакатимизда ҳокимиятнинг уч шохобчаси – қонунчилик ва вакиллик ҳокимияти, ижроия ҳокимияти, суд ҳокимияти бир-биридан ажратилди. Улар ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва тегишли қонунлар орқали тартибга солинади. Айни пайтда ҳокимиятнинг уч мустақил бўғинини ўзаро бирлаштирувчи омил – бу миллий ғоядир.

Мустақилликнинг илк қадамлариданоқ ислоҳот-ларнинг ҳуқуқий базасини яратишга, янги қонунлар ва кодекслар қабул қилишга киришилди. Мамлакатда эркин сайловлар жорий қилинди, у муттасил та-комиллашиб бормоқда.

2. Юқори вакиллик ҳокимияти – Олий Мажлис тақомиллашиб, икки палатали тизимга ўтказилди. Агар Қонунчилик палатаси доимий асосда янги қонунлар яратиш устида иш олиб борса, Сенат ўз фаолиятини давлат ва худудлар манфаатларини уй-ғунаштириш йўналишида ташкил этади. Шу нуқтаи назардан, Сенат Қонунчилик палатаси қабул қилган қонунларни муҳокама қиласи, зарур ҳолларда уларни қайта кўриб чиқиб, камчиликларини тузатишга қайтаради. Барча талабларга жавоб берадиган қонунларнигина тасдиқлайди. Президентимиз ташаббуси билан Сенат ҳамда Вазирлар Маҳкамасига давлат раҳбари ваколатларининг сезиларли қисми ўтказилди. Бу ҳам бошқарувни амалда демократлаштиришнинг яна бир тасдифидир.

3. Ижроия ҳокимиятининг қуий ва ўрта бўгинла-рида миллий давлатчилигимиз тажрибаси ва тари-хий анъаналари ҳисобга олиниб, ҳокимлик инсти-тути тикланди. Бу жойлардаги раҳбарларнинг шах-сий ташаббускорлиги, ваколати ва масъулиятини кучайтиришга хизмат қиляпти.

4. Кўппартиявийлик тизими жорий қилиниши сайловларнинг янада демократлашувига, аҳоли турли қатламлари манфаатларини аниқ ва ошкора ифодалашга, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалишига омил бўлмоқда. Сиёсий қарашлар, концепциялар ва дастурлар ранг-барамонлиги, ракобати вужудга келди. Ушбу жараён йилдан-йил тақомиллашиб, ривожланиб боряпти.

5. Суд-ҳуқуқ тизими ислоҳ қилиниши натижага-

сида жиноят ишлари бўйича, фуқаролик ишлари бўйича, хўжалик ишлари бўйича мустақил судлар шаклланди. Мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар, ижроия ҳокимият қарорлари ва фаолиятининг Ўзбекистон Конституциясига мос бўлишини назорат қилувчи ва таъминловчи Конституциявий суд тузилди.

6. Самарали институционал ўзгаришлар нафақат иқтисодиёт ва давлат тизимида, шунингдек, фуқаролик жамияти тизимида ҳам амалга оширилди. Олий Мажлис Омбудсманни ва унинг жойлардаги вакиллари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллӣ марказ, фуқаролик жамиятини ўрганиш маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари, «Маҳалла», «Нуроний», «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Софлом авлод учун» ва шу каби қатор жамғармалар, «Камолот» ЁИҲ, «Келажак овози» ёшлар ташабbusлари маркази ва бошқа кўплаб нодавлат-нотижорат тузилмалари, эркин ОАВ юртимизда янгидан вужудга келган фуқаролик институтларидир. Улар мустақиллик даврида ислоҳ қилинган анъанавий жамоат ташкилотлари (касаба уюшмалари, ижодий уюшмалар ва ш.к) билан биргалиқда «кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» ривожланишга ўз ҳиссалари ни қўшмоқда. Бу ташкилотлар жойларда ҳокимият идоралари устидан жамоатчилик назоратини олиб бормоқдалар. Зеро, давлат ва жамият қурилишидаги ислоҳотларнинг асосий мақсадларидан бири – бошқарув ҳокимиятини босқичма-босқич номарказлаштириш (марказий ҳокимият ваколатларининг бир қисмини маҳаллий ҳокимиятларга бериш) ҳамда носиёсийлаштириш, яъни сиёсий тузилма ҳисобланадиган давлат идоралари ваколатлари ва вазифаларининг сезиларли қисмини ўзини-ўзи бошқариш органларига ва жамоат ташкилотларига ўтказищdir.

Юртимизда қисқа давр ичида бу борада ҳам анча ишлар қилинди. Айниқса, ўзбекона одилликнинг, жамоавийликнинг ўзига хос ноёб модели – маҳалла институтининг жамият ҳаёти ва бошқарувидаги роли кескин кучайди.

Ижтимоий ва маънавий соҳада:

Миллий тикланиш ва ривожланишимиз фақат иқтисодиётга ёхуд давлат ва жамият қурилишига-гина тааллуқди эмас, албатта. Бизда, юқорида таъ-кидланганидек, иқтисодиёт ҳам, давлат ҳам инсонга, унинг манфаатларини, талаб ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласди. Мустақиллик йилла-рида ҳалқимиз том маънода маънавий эркинликка эришди. Ҳалқ ўз давлат тилига эга бўлди, маданий меросимизнинг аввал тақиқланган ва яширилган қисми ўрганила бошланди, имон-эътиқод ва виж-дон эркинлиги кафолатланди, фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги, плюрализм қарор топди. Ҳалқ-нинг тарихий хотираси тиклана бошлади, буюк аж-додларимиз, миллат қаҳрамонларининг табаррук номлари оқланди, улуғлар ижоди ҳалқа қайта-рилди.

Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Навоий, Улугбек, Бобур, Аҳмад Фарроний, Имом Бухорий, Замахшарий, Нақшбанд, Имом Мотуридий, Абдул-холик, Фиждувоний юбилейлари миллий ва ҳалқаро миқёсда ЮНЕСКО ҳамкорлигига нишонланди. Худди шундай «Алномиш» достони, «Авесто» ҳамда Маъмун академияси тўйлари, тарихий шаҳарларимиз Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Қарши, Термиз, Шахрисабз, Марғilon юбилейлари ҳам ҳалқаро миқёсда кенг байрам қилинди.

Она Ўзбекистонимизнинг шарафли ва ниҳоятда мураккаб тарихи объектив ва батафсил қайта ёзилди.

Маънавият ва мафкура соҳасидаги ислоҳотлар давомида давлат цензураси бекор қилинди, синфилик ва партиявийлик тамойилларидан, коммунистик мафкуранинг яккаҳокимлигидан, давлат атеизми сиёсатидан воз кечилиб, мафкуралар ва қарашлар плюрализми, виждон эркинлиги, сўз эркинлиги жорий қилинди, ҳалқимизнинг тарихий хотираси билан бир қаторда соғлом миллий фурурини тиклаш борасида мисли кўрилмаган маърифий ишлар амалга оширилди.

Албатта, маънавий юксалиш ва дунёқарашни ўзгартириш иқтисодий ислоҳотларга нисбатан мурракаброқ ва зиддиятлироқ жараён эканлиги маълум. Масалан, бизда ҳам кимлардир жамиятнинг тайёргарлик даражасини, шу жумладан, қонунчилик базаси, давлат ва фуқаролик институтларининг реал ҳолатини, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимлари ва маданий савиясини ҳисобга олмасдан, гарб андозаларига мос демократияни жорий қилиш тарафдори бўлиб чиқди. Кимлардир, аксинча, исломий бошқарувни, ислом халифалигини, шариат тартибларини ўрнатишни истаб қолди, ҳатто баъзи бир тажрибасиз ёшлар ва авом кишилар диний экстремизм ва террорчилик, турли иғвогарликлар тузогига тушди. Шу сабабдан юртимида муңтазам тарбиявий, маънавий-маърифий тадбирлар ташкилий, профилактик ва ижтимоий-иқтисодий ишлар билан узвий бирлиқда олиб борилди. Бузғунчи ғоялар ва ахборот хуружига жавобан мафкуравий иммунитетни шакллантириш бўйича ишлар ҳамда «оммавий маданият» ниқоби остидаги аксилмаданиятга қарши фаол кураш олиб борилди.

Ижтимоий соҳада ҳам туб ислоҳотлар ўтказилди. Ҳалқ таълимида, соғлиқни сақлаш тизимида, маданият ва спорт ишларида, ижтимоий таъминот ва му-

ҳофаза, бандлик ва иш билан таъминлаш соҳаларида чуқур ўзгаришлар юз берди. Айтиш мумкинки, мазкур тизим ҳам тўлиқ қайта қурилди.

Таълим соҳасидаги ислоҳотлар туфайли ҳалқимиз ўз тарихида илк бор миллий мактабига эга бўлди. Давлат таълим стандартлари, дастурлар яратилди, янги дарсликлар ёзилди. Ўртбошимиз томонидан жаҳонда ўхшали йўқ 12 йиллик бепул мажбурий таълим тизими жорий қилинди. У 9 йиллик таянч мактаби таълими ва 3 йиллик ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълимидан иборат этиб белгиланди.

Ўтган йиллар давомида биргина Қашқадарё вилоятида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» доирасида 7 та академик лицей, 130 та касб-ҳунар коллежи қурилди ёки капитал реконструкция қилинди. «2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастури» доирасида 115 та янги мактаб қурилди, 197 таси капитал реконструкция қилинди, 352 та мактаб капитал таъмирланди. Колледж ва мактаблар қурилиши бундан кейин ҳам давом этади.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бунёдкорлик аҳамияти миллий чегаралардан чиқиб ҳалқаро аҳамият қасб этди ва жуда тез ҳалқаро эътирофларга сазовор бўлди. Шу боис Президентимизни жаҳоннинг қатор йирик нуфузли академиялари ва университетлари ўзларининг фахрий аъзодиги ёки докторлиги ва профессорлигига сайлади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш икки поғонали тизимга ўтказилди. Биринчи поғонанинг асосини қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) (шаҳарларда тегишли поликлиника ва даволаш-профилактика мусассасалари), иккинчи поғонанинг асосини Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг

вилоят филиаллари ва туман бўлимлари ташкил этиди. Бугун Қашқадарёда 258 та ҚВП, 5 та шаҳар врачлик пункти, 83 та касалхона, 3 та санаторий, 84 та амбулатория-поликлиника, 9 та махсус ихтисослашган диспансер — жами 430 дан ортиқ даволаш-профилактика муассасалари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Вилоятда илғор тиббиёт техникалари билан жиҳозланган клиник марказлар ташкил этилган. Республиканинг қатор тиббиёт илмий-текшириш институтлари филиаллари фаолият юритмоқда.

Маданият ва спорт соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди. Мустақиллик йилларида, юқорида айтилганидек, она тилимизга, маданий меросимизга муносабат тубдан ўзгарди. Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари 2700 йиллик тўйлари муносабати билан кўплаб тарихий-архитектура ёдгорликлари таъмирланди, тикланди. Айниқса, шўро даврида ҳибсхонага айлантирилган Одина жомеъ масжидининг, шаҳар сардобасининг қайта тикланиши, Одина мажмуасида «Ўзликни англаш маркази»нинг ташкил этилиши, Шаҳрисабзда Амир Темурга, Қаршида оддий меҳнаткаш оиласа «Эл-юрт таянчи» номида монумент ўрнатилиши маданий тикланиш ва ривожланиш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ишларнинг ёрқин мисоллариидир.

Спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш Президентимиз томонидан олға сурилган баркамол авлодни тарбиялаш концепциясининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бугун Қашқадарё вилоятида 4221 та спорт иншоотлари ва майдончалари мавжуд. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгандан бўён 2003 – 2009 йилларда унинг ҳисобидан 110 та замонавий спорт иншоотлари қурилди. Бу йил яна 7 та мактабда спорт заллари қурилмоқда. Улар мустақиллик куни ва янги ўқув

йили бошланишигача ишга туширилади. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотлар ҳисобидан қатор стадионлар, спорт саройлари, сузиш бассейнлари, футбол майдонлари, шу жумладан, сунъий қопламали футбол майдонлари қурилди. Жорий йилда спорт ва жисмоний тарбия моддий базасини мустаҳкамлашга биргина Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 5,3 млрд сўм маблағ сарфланди. Қарши шаҳрида бунёд этилган Олимпия захиралари спорт базаси, «Шўртнангазкимё» мажмуасининг маданият ва спорт маркази, Фузор туманида барпо этилган марказий стадион ва спорт саройи вилоятимизнинг фахрига айланди, десак, муболага бўлмайди.

Ижтимоий соҳада, маънавият ва таълим-тарбия тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида ҳалқимизнинг онги, дунёқарashi, ижтимоий мўлжаллари ва идеаллари янгиланди, одамларнинг ўзи ўзгарди. Бугун ҳаётта янгича фикрлайдиган, дунё ҳалқлари билан teng мулоқот ва ҳамкорлик қила оладиган навқирон авлод вакиллари кириб келмоқда. Айнан мана шу янги авлод ислоҳотларнинг бундан кейинги муваффақиятларини таъминлайди ва Ўзбекистоннинг буюк келажагига хизмат қиласди.

19 йиллик мустақил тараққиёт йўлинигизга назар ташлар эканмиз, бу йўл жуда шарафли, аммо жуда мураккаблигини, асло енгил бўлмаганини кўрамиз. Дадил айтиш мумкинки, барча ютуқларимиз гарови Президентимиз томонидан олиб борилаётган адолатли ва ҳалқпарвар ички ва ташқи сиёsat бўлди. Натижада, Юртбошимиз ҳақли таъкидлага-нидек, «Ҳалқаро муносабатларнинг teng ҳуқуқли субъектига айланган, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнига эга бўлган, Ўзбекистон деб аталган янги демократик давлат барпо этилди».

Ўзбекистондаги ва баъзи қўшни мамлакатлардаги аҳволни ўзаро солишириб, яна бир бор давлатимиз, Президентимиз сиёсатидан тўла миннатдор бўлиш, шукronа қилиш туйғусини ҳис қиласан, киши. Чунки бизнинг республикамизда ҳозирги мураккаб давр ўртага қўяётган талаб ва муаммоларга тўлиқ жавоб бера оладиган стратегия ва ҳаракат дастури ишлаб чиқилган. Бу эса барқарор ривожланишимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай стратегия ва ҳаракат дастурига эга бўлиш Президент Ислом Каримов иш услубининг асосий тамойилларидан биридир.

Илоҳим, юртимизга, миллий жипслигимизга, тинч-тотувлигимизга кўз тегмасин!

АБДУРАХИМ ЭРКАЕВ

СОБИТҚАДАМ КАРВОН

Тошкент «Маънавият» 2010

Муҳаррир *P. Қўчқоров*

Мусаввир *Ш. Соҳибов*

Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*

Мусаҳҳих *О. Бозорова*

Компьютерда тайёрловчи *Ш. Соҳибов*

Босишга 11.08.2010 й. да рухсат этилди. Бичими $84 \times 108/\text{шт}$, Baltica гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 1,68. Нашр т. 1,8. 10000 нусха. Буюртма № 148. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Паҳлавон Маҳмуд 2-берк кўча, 2-йй. Шартнома 15–10.

«Credo Print Group» корхонасида чоп этилди. Тошкент. Боғишамол, 160. 2010.

66.3(5Ў)6
Ә 78

30002

Әрқаев, Абдураҳим.

Собитқадам карвон [Text] / А. Эркаев; муҳаррир
Р. Кўчкоров; мусаввир Ш. Соҳибов – Тошкент:
«Маънавият», 2010. – 32 б.

ББК 66.3(5Ў)6



ISBN 978-9943-04-123-3

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-04-123-3.

9 789943 041233

Manavijat